ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“МАГИСТРАТУРА” БЎЛИМИ

“МАРКЕТИНГ” КАФЕДРАСИ

*Қўлёзма ҳуқуқида*
*УДК:339.138:336.5(575.1)*

**ГАЗИЕВА ДИЛДОРА МИРКАМИЛОВНА**

# Тижорат банклари рақобатбардошлигини оширишнинг маркетинг концепциялари

5А230401- "Маркетинг(товарлар ва хизматлар)" мутахассислиги

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

**Илмий раҳбар: и.ф.д., проф. Хошимов А.А.**

ТОШКЕНТ – 2018

Диссертация ишида тижорат банклари рақобатбардошлигини оширишнинг маркетинг концепцияларидан фойдаланишнинг назарий ва услубий асослари тадқиқ қилинган. Тошкент шаҳри "Ориент Финанс" ХАТБ банк Марказий амалиёт филиалининг маркетинг ва рақобатбардошлик ҳолати таҳлили берилган, банкда замонавий маркетинг концепцияларидан фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

In the dissertation theoretical and methodological bases of the use of marketing concepts of increasing the competitiveness of commercial banks were studied. An analysis of marketing and competitiveness analysis of the Central Business Branch of the Central Bank of Orient Finans of Tashkent city was provided, and the Bank developed practical recommendations for the use of modern marketing concepts.

Диссертация иши "Маркетинг" кафедрасидан дастлабки ҳимоядан 2018 йил "16" май 5 -сонли баённома билан ўтган.

Илмий раҳбар: и.ф.д., проф. Хошимов А.А. ____________ 15.05.2018
имзо ой, кун

Магистр: Газиева Д.М. ____________ 10.05.2018
имзо ой, кун

## Мундарижа

**Кириш......................................................................................... 4**

**1-БОБ Тижорат банклари рақобатбардошлигини ошириш бўйича маркетинг концепцияларидан фойдаланишнинг назарий ва услубий асослари............................................. 9**

1.1 Маркетинг концепцияларининг моҳияти, мазмуни ва уларнинг турлари.............................................................. 9

1.2 Маркетинг концепцияларидан тижорат банкларида фойдаланиш усуллари.................................................... 14

1.3 Хизмат кўрсатиш корхоналарида маркетинг концепцияларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари. 20

Биринчи боб бўйича хулоса.................................................. 28

**2-БОБ Тошкент шаҳри «Ориент Финанс» ХАТБ Марказий амалиёт филиалида маркетинг концепцияларидан фойдаланиш ҳолати таҳлили............................................... 30**

2.1 Тошкент шаҳри «Ориент Финанс» ХАТБ Марказий амалиёт филиалининг ташкилий- иқтисодий тавсифнома..................... 30

2.2 Тошкент шаҳри «Ориент Финанс» ХАТБ Марказий амалиёт филиалининг рақобатбардошлиги таҳлили.............................. 39

2.3 Тошкент шаҳри «Ориент Финанс» ХАТБ Марказий амалиёт филиалида маркетинг концепцияларидан фойдаланиш ҳолати таҳлили.......................................................................... 48

Иккинчи боб бўйича хулоса.................................................. 53

**3-БОБ Тошкент шаҳри «Ориент Финанс» ХАТБ Марказий амалиёт филиалининг рақобатбардошлигини оширишда маркетинг концепцияларидан самарали фойдаланиш...... 55**

3.1 Тошкент шаҳри «Ориент Финанс» ХАТБ Марказий амалиёт филиалида маркетинг концепцияларини татбиқ этиш ва уларни такомиллаштириш ..................................................... 55

3.2 Тижорат банкларида брендни шакллантириш ва инновацион маркетинг концепциясидан самарали фойдаланиш йўллари..... 62

Учинчи боб бўйича хулоса.................................................... 73

**Хулоса........................................................................................ 75**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати......................................... 80**

# КИРИШ

**Магистрлик диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва асосланиши.** Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши молия бозорининг фаол иштирокчилари ҳисобланган тижорат банклари рқобатбардошлигини оширишда инновацион ёндашувлардан фойдаланишни талаб этмоқда. Бу эса маркетинг концепцияларидан самарали фойдаланиш асосида банклар фаолиятига замонавий хизмат турларини жорий этиш каби устувор вазифаларни кун тартибига қўймоқда. Халқаро тажрибадан маълумки, банкларнинг бозорда барқарор позицияни эгаллаб туриши аввало уларнинг бу бозордаги барқарор позицияни эгаллаб туриши аввало уларнинг бу борадаги рақобатлашув қобилиятига боғлиқдир.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижаларига ҳамда ундаги банк тизими фаолиятига диққат эътиборини қаратган. Бундан кўриниб турибдики, банклар иқтисодиётимизни асосий ҳаракатга келтирувчи кучи сифатида турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларга, юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Шундан келиб чиқиб, бозорда рақобат устунлигидан оптимал фойдаланиш асосида тижорат банклари фаолияти самарадорлигини таъминлаш бугунги кунда муҳим масала бўлиб ҳисобланади.

2017 йил 7 февралдаги давлатимиз раҳбарининг Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш бўйича, “...банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва